

**“ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ АЛОҲИДА ТОИФАДАГИ  
ШАХСЛАР БИЛАН ИШЛАШ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ  
БЎЙИЧА МУАМО ВА ТАКЛИФЛАР”**

**Нусратов Аслбек Азизбекович**

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси курсанти

**Турсунова Мархабо Баходировна**

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси

фаолияти кафедраси ўқитувчиси

### **Аннотация**

Мақолада профилактика инспекторларининг алоҳида тоифадаги шахслар билан ишлаш фаолиятини такомиллаштириш масалалари таҳлил қилинган. Ҳуқуқбузарликларни барвақт олдини олиш, хавф гуруҳига кирувчи шахслар билан индивидуал профилактик ишларни амалга ошириш, уларнинг ижтимоий мослашувини таъминлаш ва қайта жиноят содир этилишини олдини олиш механизмлари ўрганилган. Шунингдек, профилактика инспекторларининг касбий маҳоратини ошириш, замонавий усул ва технологиялардан фойдаланиш ҳамда давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни ривожлантириш йўллари таҳлил қилинган. Мақола доирасида профилактика фаолиятининг самарадорлигини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар берилган.

**Калит сўзлар:** Профилактика инспектори, алоҳида тоифадаги шахслар, ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш, индивидуал профилактика, ижтимоий мослашув, қайта жиноятчилик, профилактик ҳисоб, ҳамкорлик, ҳуқуқий тарбия, жамоат хавфсизлиги.

## Аннотация

В статье рассматриваются вопросы совершенствования деятельности профилактических инспекторов при работе с лицами отдельных категорий. Анализируется раннее предупреждение правонарушений, проведение индивидуальной профилактической работы с лицами из группы риска, обеспечение их социальной адаптации, а также механизмы предотвращения повторных правонарушений. Кроме того, рассматриваются пути повышения профессиональной компетентности инспекторов, внедрения современных методов и технологий, укрепления взаимодействия с государственными и общественными организациями. На основе исследования предложены рекомендации по повышению эффективности профилактической деятельности.

**Ключевые слова:** Профилактический инспектор, лица отдельных категорий, профилактика правонарушений, индивидуальная профилактика, социальная адаптация, рецидив преступлений, профилактический учет, взаимодействие, правовое воспитание, общественная безопасность.

## Кириш

Хукукбузарликларнинг профилактикасини амалга ошириш ва жиноятчиликка карши кураш эса бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир. Жамият ҳар доим ривожланишда бўлганидек, хукукбузарлик ҳам ривожланиб, мураккаблашиб ва такомиллашиб боради. Шунинг учун ҳам бугунги кунда содир этилаётган хукукбузарликларнинг профилактикасини амалга ошириш ва жиноятларни очиш борасида хизмат олиб бораётган ички ишлар органлари қолаверса барча хукукни муҳофаза қилувчи органларнинг фаолиятини такомиллаштириш давр талабидир. Шунини алоҳида такидлаш керакки, хукукбузарликларнинг профилактикасини амалга ошириш, хукукбузарликлар содир этган шахсларни жазолашдан афзалдир, яъни хукукбузарликларнинг содир этилиши натижасида фуқаролар, давлат ва жамият ҳам иқтисодий, ҳам маънавий зарар кўради. Хукукбузарликларнинг профилактикасини амалга оширишда профилактика инспекторларининг фаолияти муҳим аҳамият касб этади. Профилактика инспекторларининг иш фаолияти фақат хукуқий вазифалар

билан чекланмайди, балки улар ижтимоий, психологик ва маданий ёндошувларни ҳам ўз ичига олиши керак. Ҳозирги кунда профилактика инспекторлари кўпинча тўғридан-тўғри иш олиб борадиган шахслар билан ишлашда эътиборли бўлишлари керак, чунки уларнинг иши кўп ҳолларда ўзаро муносабатлар, ишлаш методологияси ва ахлоқий қоидаларга боғлиқ.<sup>1</sup>

Шу боис, ушбу диссертациянинг мақсади профилактика инспекторларининг алоҳида тоифадаги шахслар билан ишлаш фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқишдан иборатдир. Бу ишда профилактика инспекторларининг касбий тайёргарлиги, уларни замонавий методлар ва технологиялар билан таъминлаш, ҳамда ижтимоий хизматлар билан ҳамкорлик орқали ишнинг самарадорлигини оширишга оид таклифлар келтирилади.

**Мавзунинг долзарблиги шундаки,** профилактика инспекторлари давлат органларининг муҳим шахслари бўлиб, уларнинг иши жамиятдаги ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчиликни камайтиришга йўналтирилган. Улар айниқса алоҳида тоифадаги шахслар билан ишлашда жуда муҳим рол ўйнайди, чунки ушбу шахслар кўп ҳолларда ижтимоий ва психо-эмоционал муаммоларга дуч келади. Шу боис, профилактика инспекторларининг иш фаолиятини такомиллаштириш, янги метод ва усуллардан фойдаланишнинг аҳамияти ҳар қандай давлат учун муҳим масала ҳисобланади.

**Мақсади** профилактика инспекторларининг алоҳида тоифадаги шахслар билан ишлаш фаолиятини такомиллаштиришнинг асосий усулларини ишлаб чиқиш.

**Вазифалари** профилактика инспекторларининг ўқув ва ишлаш стандартларини такомиллаштириш, алоҳида тоифадаги шахслар билан ишлашдаги муаммолар ва камчиликларни аниқлаш, психологик ёрдам ва индивидуал ёндашувлар асосида профилактик тадбирларни яхшилашдан иборат.

Бугунги кунда жамиятда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини таъминлаш давлат сиёсатида устувор йўналишлардан бири ҳисобланади. Айниқса, алоҳида

---

<sup>1</sup> Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизмати ходимларининг фуқаролар билан ишлаш тайёргарлигини ошириш учун ўқув қўлланма 2023 й

тоифадаги шахслар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш профилактика инспекторлари фаолиятининг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда. Алоҳида тоифадаги шахслар деганда илгари судланганлар, маъмурий назоратда турганлар, ижтимоий хавфли аҳволда бўлган оилалар аъзолари, спиртли ичимлик ёки гиёҳванд моддаларга мойил шахслар, вояга етмаганлар ва ишсиз ёшлар тушунилади. Ушбу тоифадаги шахслар билан самарали иш олиб бориш жамиятда жинойтчилик даражасини камайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Профилактика инспекторларининг мазкур тоифадаги шахслар билан ишлаш фаолияти, аввало, қонунийлик ва инсонпарварлик принципларига асосланиши лозим. Ҳар қандай профилактик чора-тадбир Ўзбекистон Республикаси қонунлари доирасида амалга оширилиши, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳурмат қилиниши шарт. Бу, ўз навбатида, давлат органларига бўлган ишончни ошириш ва профилактика ишларининг самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади.<sup>2</sup>

Алоҳида тоифадаги шахслар билан ишлашда **индивидуал ёндашув** алоҳида аҳамиятга эга. Ҳар бир шахснинг ижтимоий муҳити, оилавий аҳволи, психологик ҳолати ва олдинги хулқ-атвори турлича бўлгани сабабли, профилактика инспектори ҳар бир шахс учун алоҳида профилактик режа ишлаб чиқиши зарур. Масалан, илгари судланган шахс билан ишлаш усуллари вояга етмаганлар ёки ишсиз ёшлар билан ишлаш усулларида фарқ қилади. Шу боис профилактика ишларини умумий тарзда эмас, балки аниқ мақсадга йўналтирилган ҳолда ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.<sup>3</sup>

Профилактика инспекторининг фаолиятини такомиллаштиришда **эрта профилактика чораларини кучайтириш муҳим ўрин тутаети**. Ҳуқуқбузарлик содир этилгандан кейин эмас, балки унинг келиб чиқишига сабаб бўлувчи

---

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш тўғрисида» 2017 йил 18 апрелдаги 2896-сон қарори. <http://www.lex.uz.2022>

<sup>3</sup> М.Б.Турсунова .”Профилактика инспекторининг ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисидаги қонун ҳужжатлари” Б 516-521 б М.Б.Турсунова 2024 йил

омилларни олдиндан аниқлаб, уларни бартараф этиш самарали натижа беради. Бу борада маҳалла тизими билан яқин ҳамкорлик қилиш, оилалардаги муаммоларни ўз вақтида ўрганиш, ёшлар ўртасида тарбиявий ишлар олиб бориш муҳим ҳисобланади.

Шунингдек, профилактика инспекторларининг **касбий малакасини ошириш** ҳам фаолиятни такомиллаштиришнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади. Замонавий жиноятчилик шакллари, психологик ёндашувлар ва коммуникация усулларини чуқур билиш инспекторларга алоҳида тоифадаги шахслар билан самарали иш олиб бориш имконини беради. Шу мақсадда доимий равишда ўқув машғулоти, семинарлар ва малака ошириш курсларини ташкил этиш зарур<sup>4</sup>.

Профилактика инспекторлари фаолиятида **ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш** ҳам муҳим аҳамиятга эга. Электрон ҳисоб-китоб тизимлари, профилактик ҳисобда турган шахслар ҳақидаги маълумотлар базаси ва таҳлилий дастурлар орқали ишларни тизимли ва шаффоф ташкил этиш мумкин. Бу орқали профилактика ишларининг самарадорлиги ошади ва инсон омили билан боғлиқ хатолар камаяди.

Алоҳида тоифадаги шахслар билан ишлашда **ижтимоий мослашув** масаласига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Жамиятдан узилиб қолган ёки ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож шахслар билан ишлашда уларни меҳнатга жалб қилиш, касбга йўналтириш, психологик ёрдам кўрсатиш муҳимдир. Бу борада меҳнат органлари, таълим муассасалари ва соғлиқни сақлаш ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш самарали натижа беради.

Бундан ташқари, профилактика инспекторлари томонидан **жамоатчилик билан ҳамкорликни кучайтириш** фаолиятни такомиллаштиришда муҳим омил ҳисобланади. Маҳалла фаоллари, нуронийлар, хотин-қизлар ва ёшлар ташкилотлари билан ҳамкорликда олиб борилган ишлар профилактика самарадорлигини оширади.

---

<sup>4</sup> Муҳамедов Ў.Х. Замонавий ёндашув асосида профилактика инспектори фаолиятини ташкил этиш: Ўқув-услубий қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2018. — Б. 33.

Жамоатчилик иштирокида ўтказилган тарғибот ва тушунтириш ишлари фуқароларнинг ҳуқуқий онгини юксалтиришга хизмат қилади. 1

### **Хулоса**

Профилактика инспекторларининг алоҳида тоифадаги шахслар билан ишлаш фаолияти жуда катта аҳамиятга эга, чунки улар фақат ҳуқуқий масалаларга эмас, балки ижтимоий ва психологик муаммоларга ҳам ечим излаши керак. Инспекторларнинг иш фаолиятини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари профессионал тайёргарлик, психологик ёрдам, замонавий технологиялардан фойдаланиш ва ижтимоий хизматлар билан ҳамкорлик қилишдан иборатдир.

Инспекторларнинг касбий ва психологиявий тайёргарлигини ошириш, уларга электрон мониторинг, маълумотлар базасини автоматлаштириш, янги методлар ва усуллардан фойдаланиш имкониятларини тақдим этиш зарур. Шу билан бирга, профилактика инспекторларининг ишида инсон ҳуқуқлари, ахлоқий принциплар ва жамият манфаатлари муҳим ўрин тутиши керак. Ушбу тақлифлар профилактика инспекторлари фаолиятининг самарадорлигини оширишга ёрдам беради ва жиноятчиликка қарши курашда янги йўналишларни аниқлашга хизмат қилади.

Бундай ёндошувлар профилактика инспекторларининг алоҳида тоифадаги шахслар билан ишлашдаги самарадорлигини оширади ва жиноятчиликка қарши курашишда аниқ натижаларга эришишга хизмат қилади.

### **АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги 1. «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2017 –№ 6.–70-м.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5005-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари

тўплами. – 2017. – № 15. – 243-м.

3 .Х. Абдурашидов (2015). "Жиноятчиликни профилактика қилиш: Муаммолар ва имкониятлар". Тошкент: "Право" нашриёти

4. Ш.А. Тошматова (2018). "Психология ва ҳуқуқ: Жиноятчиликни профилактика қилишнинг психологиявий асослари". Тошкент: "Нодир" нашриёти.

5.У.Ҳ. Осимов (2017). "Профилактика инспекторлари фаолияти: Теория ва амалий жиҳатлар". Тошкент: "Иқтисодий ва ҳуқуқий тафсир" нашриёти.

6.Л.И. Бобожонова (2020). "Инсон ҳуқуқлари ва ҳуқуқбузарлик профилактикаси: Ҳуқуқий ва ахлоқий кўрсатмалар". Тошкент: "Юрист" нашриёти.

7. И.О. Султонов (2016). "Жиноятчиликка қарши курашда инновацион ёндашувлар". Тошкент: "Университет нашриёти".

8 .Ш. Гулямов (2014). "Алоҳида тоифадаги шахслар билан ишлашдаги профилактика методлари". Тошкент: "Қонун ва ҳаёт" нашриёти.

9. Х.И. Шарипова (2019). "Профилактика ва реабилитация: Тўғри ёндашувлар ва